

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

96 **Ишлатилган техник мойларни топшириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ишлатилган техник мойларни тўплаш ва қайта ишлаш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Uz-Ecoprotect» МЧЖ ва «Uz-Prista Recycling» МЧЖ қўшма корхоналари муассисларининг умумий йиғилишларида ишлатилган техник мойларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш механизмини такомиллаштириш мақсадида «Uz-Ecoprotect» МЧЖ қўшма корхонасини «Uz-Prista Recycling» МЧЖ қўшма корхонасига қўшиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 сентябрдаги 258-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 9-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Ишлатилган техник мойларни топшириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 февраль,
78-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 14 февралдаги 78-сон қарорига
ИЛОВА

Ишлатилган техник мойларни топшириш, тўплаш, улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташиш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ишлатилган техник мойларни тўплаш ва қайта ишлаш ташкилоти — ишлатилган техник мойларни тўплаш, сақлаш ва ташиш учун зарур инфра-

тузилмага, шунингдек уларни қайта ишлаш учун зарур қувватлар ва технологияларга эга бўлган ташкилот»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда учинчи-ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги «ишлатилган техник мойларни тўплаш» сўзлари «ишлатилган техник мойларни тўплаш ва қайта ишлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 9-банднинг бешинчи хатбошидаги «ИТМни тўплаш фаолиятини амалга оширувчи махсус ташкилотлардан» сўзлари «техник мойларни алмаштириш пунктлари ва ИТМни тўплаш махсус пунктларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

3. 10-банддаги, 13-банднинг иккинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги «ишлатилган техник мойларни тўплаш» сўзлари «ишлатилган техник мойларни тўплаш ва қайта ишлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 14-бандда:

биринчи хатбошидаги «ишлатилган техник мойларни тўплаш» сўзлари «ишлатилган техник мойларни тўплаш ва қайта ишлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. 15-банднинг иккинчи хатбошидаги «ишлатилган техник мойларни тўплаш ташкилотига» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. 18 ва 20-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. 3-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ишлатилган техник мойларни топшириш, тўплаш,
улар учун ҳисоб-китоб қилиш, уларни сақлаш ва ташиш
СХЕМАСИ**



Изоҳ:

- ← — ИТМни топшириш ва тўплаш
 → — ИТМ учун ҳисоб-китоб қилиш».